

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фаргона,**  
**2021.**

<b>Қ.Йўлчиев</b> Лирик шеърда сюжет ва топохронос .....	102
<b>С.Эшонқулова</b> Нодира лирикасининг бадиият олами асослари .....	108

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Мамажонов</b> Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши .....	113
<b>З.Раҳимов, Ш.Искандарова</b> Фарғона тилшунослик мактаби .....	116
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир .....	123
<b>М.Абдупаттоев</b> Поэтик нутқни ўрганиш масалалари .....	128
<b>З.Алимова</b> Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши .....	133
<b>Ш.Дадабоева</b> Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари .....	138
<b>Н.Якубова</b> Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида .....	142
<b>Л.Абдуллаева</b> Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида .....	146

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Н.Расулова</b> Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг моделлари .....	150
<b>Г.Ҳамраева</b> Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш усуллари .....	157

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.Мирзарахимов, А.Сирожиддинов, Ж.Назирқулов</b> Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш .....	163
<b>М.Султонова</b> Ўзбекистонда телетиббиёт тизимини ташкил этиш тизими модели ва ундаги муаммолар .....	167
<b>Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўмонов, М.Акбарова</b> Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш .....	171
<b>И.Асқаров, М.Холматова</b> Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби .....	175
<b>Х.Муйдинов, Ж.Кодиров</b> Қорамол тери ости бўкалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўкалар ҳашаротларининг учуш муддатлари .....	180
<b>Ш.Усанов</b> Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари .....	183
<b>А.Эшниязова</b> Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси .....	187
<b>Т.Рузибоев</b> Жудолик Навоий талқинида .....	191
<b>Ш.Махмиджонов</b> Руҳият қирраларининг бадиий талқинлари .....	195

УДК: 821.512.133 (092)

## НОДИРА ЛИРИКАСИНИНГ БАДИИЯТ ОЛАМИ АСОСЛАРИ

ОСНОВЫ ХУДОЖЕСТВЕННОГО МИРА  
ЛИРИКИ НОДИРЫFUNDAMENTALS OF THE ARTISTIC WORLD VIEW  
IN THE LYRICS OF NODIRAЭшонқулова Сурайё Исомиддиновна<sup>1</sup><sup>1</sup>Эшонқулова Сурайё Исомиддиновна– Жиззах давлат педагогика институти филология  
фанлари номзоди, доценти.**Аннотация**

Мақолада Нодира лирикасининг бадиият олами асосларининг генезиси диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий масалалар экани кўрсатиб берилди. Нодира шеъриятининг юзага келишида диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ғоялар ижодий таъсир кўрсатгани шеърияти мисолида очиб берилган.

**Аннотация**

В данной статье показано, что в основе генезиса основ художественного мира лирики Нодир лежат религиозно-просветительские, философско-мистические вопросы. В статье раскрывается влияние религиозно-просветительских, философско-мистических идей на возникновение поэзии Нодир на примере ее стихов.

**Annotation**

This article is devoted to the study of the lyrics of Nodira in order to show that the genesis of the foundations of the artistic worldview is based on religious and educational, philosophical and mystical issues. The article reveals the influence of religious, educational, philosophical and mystical ideas on the emergence of Nodira's poetry on the example of her poems.

**Таянч сўз ва иборалар:** диний, маърифий, фалсафий, тасаввуфий, ахлоқий, салаф, халаф, анъана, образ, ғоя, бадиий маҳорат.

**Ключевые слова и выражения:** религиозный, просветительский, философский, мистический, нравственный, предшественник, преемник, традиция, образ, идея, художественное мастерство.

**Keywords and expressions:** religious, educational, philosophical, mystical, moral, predecessor, successor, tradition, image, idea, artistic skill.

Ҳар бир халқнинг адабиёти унинг миллий руҳи, тафаккур тарзи, устозлар тажрибаси, диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий-маънавий, диний-илоҳий тушунча ва қадриятларига таянади. Шунинг учун буларни назардан четга суриб, адабий жараён моҳиятини белгилаш ҳам, адабий анъаналарнинг бадиий ижоддаги роли ва аҳамиятини тўғри баҳолаш ҳам мумкин эмас. Таниқли рус адабиётшуноси А.Бушминнинг “адабиёт ўзининг қонуний тараққиёт ҳаракатида ўтмишда эришилган фикр тажрибасини ўзлаштиради (ассимиляция қилади)” [3,152] – деган фикри ҳам бунга тасдиқлайди. Зеро, бадиий ижодда маъно, туйғу ёки ҳақиқат йўқ жойдан кашф этилмайди, балки бадиий ижодда дин ва фалсафа, маърифат ва маънавият, тафаккур ва ахлоқий қадриятлар ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади.

Тасаввуфнинг адабиёт, хусусан, шеърият билан, шеъриятнинг тасаввуф билан яқинлашуви тасодифий ҳодиса бўлмаган. Чунки худди адабиёт сингари тасаввуф ҳам инсон ахлоқи, кўнгли, руҳи ва тафаккури билан машғул бўлишни қўллаб-қувватлаган. Бундан ташқари, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, “Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинликни сўфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади” [5,156]. Бинобарин, “..тасаввуф жаҳон тафаккури тарихининг узвий бўлаги” сифатида маълумдир [10,26].

Қуръони Карим таълими ва тасаввуфнинг маънавий тамойил сифатидаги ўрнини ўзбек мумтоз адабиётининг ҳар бир босқичи ҳамда обидалари мисолида кузатишимиз мумкин. Адабиёт тарихига доир қайси бир нодир асарни қўлга олмайлик, унда инсоннинг

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

маънавий камолоти ва шахс сифатидаги такомилда ислом таълими, Қуръон оятлари ҳамда тариқатига оид қарашларнинг улкан маърифий ўрни борлигини кўрамиз [12,3].

Айтиш жоизки, Нодира лирикасида асосий ўринни ишқ мавзуси эгаллайди. Бинобарин, Шарқ шеърятининг етакчи мавзуси инсоннинг руҳий кечинмалари бўлса, улар ичида энг гўзали, энг юксак даражаси, энг таъсирчани ишқ-муҳаббатдир. Шу ўринда айтиш мумкинки, ишқ-муҳаббат мавзуси қадимдан барча буюк, етук инсонларни қизиқтириб келган. Ибн Сино ўзининг “Ишқ ҳақида рисола” (Рисола фил-ишқ) асарида ишқни руҳий ҳодиса сифатида тадқиқ этади. Ибн Сино (бир нарсага мойиллик маъносида) барча табиий унсурларга хос деб билади ва инсон ишқидаги ҳайвоний ва руҳоний жиҳатларини ажратиб кўрсатади [9,47-68]. Олим фикрига кўра, улардан қайси бири ғолиб келишига қараб инсон ишқи ҳайвоний ҳирсдан илоҳий ишқ сари улуғлашиб боради. Оллоҳ маърифатига интилиш ишқнинг энг олий даражасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Имом Ғаззолийнинг “Диний ишларнинг тикланиши” (“Иҳёи улум-ад-дин”) китобидаги “Нажотга элтувчилар” (“Мунжиёт”) деб аталган тўртинчи қисми таркибида ҳам бу мавзуда алоҳида боб ажратилган бўлиб,

*Аввали номамни ҳамдинг бирла айлай ибтидо,  
Хоти покнингга эрур на ибтидо, на интиҳо.  
Мен киму васфингни зикр этмак ва лекин кўнгулма,  
Юз туман шавқи муҳаббат шуъласи бермиш зиё...  
Икки оламда умидим сендин эрмиш, Комила,  
Қилмағил, ё раб, ўзунгдан ўзгаларга ошно [8,29].*

Кўриниб турибдики, шоира ушбу ғазалида ўз ижод намуналарини аввали, охири йўқ дунё, яъниким азалий, абадий эгасига битар экан, унинг ўзига беҳисоб шавқи муҳаббати нур каби зиё берганлигини чин юракдан эътироф этади. Муаллиф ягона

*Худовандеки бўлди сунъдин арзу само пайдо,  
Қилур бир қатра сувдин гавҳари қимматбаҳо пайдо...  
Камоли қудратидан олам ижод аро бўлмиш,  
Гулу хору ганжу муфлисусу шоҳу гадо пайдо.  
Ёрутдинг ошиқу маъшуқа ҳусну ишқ миръотин,  
Ки бўлди гул била булбул аро барғу наво пайдо [8,30].*

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, шоира Оллоҳ васфида унинг беназирлигини “арзу само пайдо” каби ифодаларда тасвирлаб беради. Унинг бениҳоят қудрат эгаси эканлигини “бир қатра сувдин гавҳари қимматбаҳо пайдо” қила олишида, умуман, оламни яратикларининг

мутафаккир мазкур инсоний туйғунинг кимга йўналтирганига кўра 5та турга ажратади:

1. Инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати.
2. Унинг ўз ҳомийлари, меҳр-шафқат кўрсатувчиларга муҳаббати.
3. Унинг умумий инсонларга яхшилик қилувчиларга муҳаббати.
4. Инсоннинг барча ички ва ташқи гўзаллик эгаларига муҳаббати.
5. Моҳият жиҳатдан ўзига ўхшаш зотга муҳаббати [1,238].

Ушбу муҳаббат турлари Ғаззолийнинг кейинги мантиқий таҳлили натижасида яратувчи ва хожаси, деб билган Оллоҳга бўлган муҳаббатида ягона олий туйғуга бирлаштиради. Тасаввуф таълимотида ушбу қарашлар умумлаштирилиб алап оқибат “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчалари тарзида шаклланди. Уларнинг биринчиси Оллоҳга муҳаббат, яъни “ишқи илоҳий” маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг хаёли билан яшашини билдирса, иккинчиси инсонларнинг бир-бирига ва фоний дунё ашёларига қўйилган ишқ сифатида талқин этилди [4,3-24]. Шоира Нодира ижодини кузатар эканмиз, унинг лирикасини “ишқи илоҳий” ҳам “ишқи мажозий”нинг ҳам гўзал намуналарини учратамиз. Масалан, Нодиранинг:

Яратувчидан “ўзунгдан ўзгаларга” ошно қилмасликни сўраб, ишқи изҳорини васф этади. Нодира лирикасида Ҳақ таолога интилиш, фақат уни мадҳ этиш, ўзига вафо сақлаш, яъники “ишқи илоҳий” қуйма мисраларни кўплаб учратиш мумкин.

енг гўзал ва бенуқсон қила олганида, шу боис ишқида “гул била булбул аро барғу наво пайдо” бўлганлигини завқ-шавқ билан куйлайди. Тонг нурларининг ҳар бир заррасида ҳам ҳаттоки, Ҳақ таоло меҳри аён этишини ҳис этган шоира, миннатдорчилиги

натижасида кўз ёшлар тўкиб, Яратганни ўзига вафоли бўлишини тараннум этади:  
*Биҳамдиллаҳ гули меҳру муҳаббат ошкор ўлди,  
 Ки бўлди Комила кўз ёшидин нахли вафо пайдо* [8,30].

Шоира Оллоҳга вафосининг чексиз эканлигини, унинг Бирлигига нафақат доно, балки жоҳил ҳам иқрорлигини ўтлиқ мисраларга жо айлар экан, Ҳақ жамолини кўришни бир умр орзу қилади:

*Муҳтож сенинг даршоҳингга мўмиру муфлис,  
 Иқрор сенинг бирлигингга жоҳилу доно...  
 Ҳажр ичра эрур Комила муштоқи висолинг,  
 Шоядки кўзим қилса жамолингни тамошо* [8,28].

Нодира лирикасида анъанавий ишқ-муҳаббат, орифона, ахлоқий-маърифий, ҳамд, наът ва муножот мавзуларига алоҳида аҳамият берилган. Ҳазалларида сўфиёна тимсол ва орифона талқинлар ҳам муайян ўрин тутди. Шоир маҳбуб, шамъ, парвона, ўт, ориф, кўнгил, руҳ, бут, бутхона каби тимсоллар воситасида Инсон ва Илоҳ ўртасидаги ботиний боғлиқликни ифодалайди. Шу маънода, Нодирани мажоз тариқатида ҳақиқатни куйловчи шоирлар сирасига киритиш мумкин.

*“Ишқни тарк эт!” – деди менга зоҳид,  
 Демади ҳеч телба мунча қабиҳ.*

Тасаввуфий руҳ билан суғорилган ушбу мисраларда шоира ишқ йўлидан беҳабар зоҳидни қабиҳуфтор шахс сифатида таърифлайди. Нодира ўзини “ишқ оинаси” деб атади. Шу оинада инсон ўзининг бутун орзу ва ўйлари билан намоён бўлади [11,31-32].

“Комила девонида ўзини ринд, қаландар деб атаган байтлар, ғазаллар мавжуд. Илоҳий ишқ талқин этилган “омадам” радифли ғазалида шоира “ишқ либосини кийганман, мурод тожини бошимга қўйганман, айланиб турган чарх пиёламдир, мен бир ринд қаландарман”, деб ёзади:

*Кисвати ишқ дар барам, точи мурод бар сарам,  
 Гардиши чарх сағарам, ринди қаландар омадам.*

Кейинги байтлар шоира мушоҳадаларини янада аниқроқ ифодалайди:

*Фаҳру фано тариқи ман, меҳру вафо рафиқи ман,  
 Ишқи бутан шафиқи ман, валаи дилбар омадам.  
 Бас, ки раҳи малак задам, нақши вучуди ҳақ задам,  
 Пай ба нўҳ фалак задам, бар сари чамбар омадам...*

Бу байтларда шоира сўфий аёл қиёфасида намоён бўлади. У фақр ва фано йўлида йўлчи эканлигини баён этмоқда. Демак, шоира қайсидир тариқатга расман алоқадор бўлмаса-да, қалбан ихлосманд бўлган. Балки, кейинги байтда ишора этилаётганидек, “Ҳақ вужудини нақш этиб”, нақшбандларга ихлос қилгандир” [6,111].

Бироқ шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Нодира ижодида “ишқи илоҳий” билан ҳамоҳанг тарзда “ишқи мажозий” ҳам ўзига хос ўрин тутди. Дарҳақиқат, шоира ашъорларида ишқ ва муҳаббат идеал даражага кўтарилган туйғу сифатида талқин этилиши билан бирга, шоира лирик қаҳрамон – ошиқ аҳволдан сўз юритиб, улар орқали дунёвий ва илоҳий ғояларни илгари суради. Бу ғоялар шоир кўзлаган меҳр-вафо, инсонийлик, яхши ахлоқни ифодаласа, бошқа жиҳатдан, илоҳий муҳаббат, ирфоний тахайюл каби тушунчалар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Адабиётшунос олим А.Ҳайитметовнинг: “Гарчи Шарқ поэзияси тарихида биз сатирик,

фалсафий, автобиографик ғазалларни, табиат, май ҳақидаги ғазалларни учратсак ҳам, лекин ғазалнинг асосий специфик мавзуси ишқдир. Буни фақат ғазал назариячиларининг фикригина эмас, балки шу нарсанинг неча юз йиллик тараққиёт тажрибаси ҳам кўрсатиб туради” [13,56], деган қарашлари нақадар асосли эканлигини Нодира лирикаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, “Нодира шеърлятида икки хил ишқ бир-бири билан уйғунлашган ҳолда юзага чиқади ва айни пайтда бу ҳол шоиранинг кенг қамровли ижодкор сифатидаги салоҳиятини кўз-кўз қилади” [12,8].

Ўзбек мумтоз поэзиясида теран мазмун ва бетакрор бадиият юксак даражада уйғунлашган шеърлари билан муносиб мавқега эга шоира Моҳларойим – Нодира асарларининг жаҳоншумуллиги ва абадий тириклигининг сабаби ҳам унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юксак фикрларни олий бадиий шаклда берганлигидир.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Фикримизни равшанлантириш учун даъват сифатида ҳеч бир кишини бефарқ қуйидаги биргина ғазални келтирайлик. Унинг қолдирмайди:  
ғазали бутун моҳияти билан бедорликка

*Кел, даҳрини имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет [7, 107-108].*

Матлаъда “Инсон ҳаётга келдими ҳаётни, ёруғ оламни ва инсонларни билишга қодир бўлмоғи, сўнг кетмоққа ҳақли”, деган фикр айтилиб, руҳан ва қалбан бедорлик, жамият, давр, халқ ва муҳитга нисбатан маънавий бедорлик ғояси тарғиб қилинган.

*Бедардларинг жафоларидин  
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.*

Иккинчи байтда эса инсон “Кўнглида дарди йўқ қаҳрлилардан қочишни, ўз дардини тўкиб сочиб, сўнг кетмоққа ҳақли”, деб ҳисоблайди. Шоира эътирофича, инсон маълум бир тоифа, бедардлик балосига гирифтор кишиларга ўхшаб олам воқеа-ҳодисаларининг шарпаларинигина кўриб-кўрмасдан қаноат этиши мумкин эмас, у сергак ҳиссиётларга таяниб яшаши керак. Чунки ким дардли бўлса, у комилдир. Қорин заҳмати, оила ташвиши учунгина ишлаб, фақат шулар учунгина яшаб бўлмаслиги, шунинг учун ҳам у дардсиз жафокашлардан қочишни тарғиб этади.

*Дунё чаманини булбулисен,  
Гул шохиди ошиён этиб кет.*

Учинчи байтда “Инсон дунё чамани гуллари ичидаги сайроқи булбул каби ҳароратли ва таъсирчан бўлишини, сўнг кетмоққа ҳақли”, эканлиги баён қилинган.

*Эй ашк, кўзимни мактабидин,  
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.*

Тўртинчи байтда “Инсон оғриқли оҳанглари ила бутун дунёни ҳайратга солишни, сўнг кетмоққа ҳақли”лигини таъкидлаган. Инсон кўзи – унинг калби, унинг мангу беором, ҳаловат билмас юраги, қайси бир даражада бўлмасин, аниқлик маркази. Унда ҳаёт, инсон, эзгулик, ёвузлик, адолат ҳақидаги аниқ ҳақиқатлар акс этиши керак, деб ҳисоблайди.

*Олам чаманики бевафодур,  
Бир оҳ била ҳазон этиб кет.*

Бешинчи байтда “Бу ёлғон ва ўткинчи дунёда инсон бир нафас ила тўзиган барг мисоли узилиб, ҳазонга айлангани каби, сўнг кетмоққа ҳақли” яъниким, унда ёлғон ва алдовлар пардасидан озод бўлиб, барг ўзидан тоза нафас чиқаргани каби, ҳаётлик чоғида буюк ғоя ва мақсадлар сари интилиб яшаши кераклиги айтилади.

*Ушшоқ мақоми бўстондур,  
Азми раҳи бўстон этиб кет.*

Олтинчи байтда “Инсон ишқ эгаларининг манзили бўлган бўстонга шайланишга шошилиши, сўнг кетмоққа ҳақли” эканлиги тарғиб этилган. Чунки шоира наздида ишқ – бу, Иймон. Муҳаббатли кишиларгина иймонли. Нодира инсон ҳаёти мобайнида фақат иймонли кишиларгагина эргашиш кераклигини уқдиради.

*Мақсад на эди жаҳона келдинг?  
Кайфиятини баён этиб кет.*

Еттинчи байтда “Ҳаётга келишидан инсон не мақсад эканлигини англаганидан ва ўзгаларга аён этганидан сўнг, кетмоққа ҳақли” деб шоира инсон ўз умрини ғанимат билмоғи, уни беҳуда сарфламаслиги, ҳаётда ҳар бир кишининг ўз мақсади бўлмоғи, бефарқ ва лоқайд бўлмаслиги, бу беш кунлик дунёда эзгулик ила мақбул амалларни қилмоқликка чақиради ва маънавий бедорликка даъват қилади.

*Фош этма улусқа ишқ сиррин,  
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.*

Саккизинчи байтда “Нодон оломон – жаҳолатдан сармаст тўдага ўз дилидаги ишқ сирларини фош этиб бўлмайди, инсон ундайларга кўнглини очгандан кўра, қалбида уни пинҳон сақлагани маъқул, сўнг кетмоққа ҳақли” деб ҳисоблайди.

*Кел, ишқ йўлида кўзларингни,  
Эй Нодира, дуршифон этиб кет.*

Ғазалнинг мақтаъсида “Эй Нодира, ишқ йўлига кўзларингдан дур каби кўз ёшларингни аямай тўк, сўнг кетмоққа ҳақлисан” дея ҳикматомуз мисралар яратган. Ҳаётнинг ҳам, инсон умрининг ҳам ҳал қилувчи муҳим икки чегараси – тириклик ва ўлим – Нодира ғазалида иккита ғоявий қанот ёрдамида ўз қарашларини баён этган. Яъниким, умрнинг кунларинигина эмас, қисқа соатлари-ю ва дақиқаларини ҳам ўлим чангалига топширмай, ўзиники қилиб сақлаб қолмоқ учун инсонга “ишқ йўлида” ўзини бағишлаш ато этилган. Шунинг учун ҳам ишқ – Она юртга, ҳалққа, ҳаётга муҳаббат туфайли маънан бедорлик – инсон руҳиятининг ўлим устидан ғалабаси, абадийликка эришиш йўли.

Шундай экан, ғазал таҳлилидан Нодира шоира сифатида инсон учун нақадар улғ ва

қимматбаҳо санъат хазиналарини мерос қилиб қолдиргани кўриниб турибди. Ижодкор, шунингдек, барча лирик асарларида ғоявий яхлитликка интилади, матлаъдаги фикрни ғазал сўнгига қадар изчил давом эттиришга, бошлама мисрада айтилган ғояни байтма-байт очиб, далиллаб боришга ва оҳорли умумлашмалар билан яқунлашга ҳаракат қилади. Бундай хусусиятларнинг шоира ижодида ёрқин ифодаланиши уларнинг ўзига хос бадиий талқин этилишига сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Нодира ижоди бадиият олами асосларининг генезиси диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ғоялардан таъсирланганлигини, улар бағридан куртаклаганини кўриш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Абу Ҳамид ал Ғазали. Воскрешение наук о вере. –М.: Наука, 1980.
2. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 1994.
3. Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы. Суждения. Споры. –М., 1980.
4. Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожда тасаввуфнинг ўрни / Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 1994
5. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996.
6. Муҳитдинова Н. Нодира шеъриятида тасаввуфий қарашлар талқини / Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари, 2018.
7. Нодира. Асарлар. 2-жилдлик. Т.1. –Т.: Бадиий адабиёт, 1968.
8. Нодира–Комила. Девон. –Т.: Халқ мероси, 2001.
9. Серябрянов С. Ибн Сино (Авиценна) о любви. – Тбилиси, 1976.
10. Қаямов А. Бу оҳанг ила бўлғайсен нақшбанд. –Т., 1993.
11. Қодирова М. XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Т.: Фан, 1977.
12. Қодирова М. Шеърият ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти 1998.
13. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: ЎзР ФА, 1961.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)